

Жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги афзал

Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти доирасида ўлим жазоси борасида турли фикр-мулоҳазалар авж олаётганлиги мазкур жазо турини ўрганиб, чуқурроқ таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Шундай экан, жаҳон тажрибасида ўлим жазосининг тарихи, бу борада назариётчиларнинг фикрлари нималардан иборат ва жазонинг бу тури алоҳида давлатлар тажрибасида қандай қўлланилмоқда, деган саволлар кўпчиликини қизиқтириши табиийдир.

Жазонинг бу тури тарихига тўхталадиган бўлсак, у кишилиқ тарихи каби узоқ даврларга бориб тақалади. Бундай жазо турли хилдаги жиноятларга, кўпроқ қотиллик, хиёнат, хоинлик каби жиноятлар учун қўлланилган. Бу жазони амалга ошириш шакллари эса одатда, тошбўрон қилиш, сувда чўктириш, осиш, бошини танасидан жудо қилиш, Европада омма олдида чормихга тортиш каби усулларда ижро этилган.

Хўш, инсоният тараққиётининг янги босқичи сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда жазонинг бу турига нисбатан қандай муносабатда бўлинмоқда?

Шуни айтиш керакки, бу борада дунё давлатлари тажрибаси турличадир. Жаҳондаги 90 га яқин давлатларда ўлим жазоси расмий равишда бекор қилинган бўлса, яна шунча давлатда ушбу жазо амалда қўлланилади. Жазонинг бу тури бекор қилинган давлатларда бир умрлик озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий қилинган.

Жазонинг бу тури хусусидаги дастлабки мунозаралар XVIII аср ўрталарида юзага келган. Италиялик таниқли файласуф Чезаре Беккарианинг 1764 йилда ёзилган "Trftto dei delitti e delle penel" ("Жиноят ва жазолар баёни") асари бу борада яратилган етакчи назарий манба сифатида тан олинади.

Албатта, жазонинг бу турини танқид қилувчилар уни шафқатсиз ва инсон қадр-қимматини камситувчи жазо сифатида таъкидлашса, ҳимоя қилувчилар эса уни бошқа фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги энг самарали усул сифатида қўллаб-қувватлайди. Бироқ жазонинг бу тури жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги таъсири ҳақидаги фикрлар асосли мунозарани келтириб чиқаради. Чунки сўнгги пайтларда ўтказилаётган ижтимоий таҳлиллар ва статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, кўп давлатлар тажрибасида ўлим жазосининг жорий қилиниши жиноятчилик кўламининг пасайишига олиб келмаяпти. Бу ҳақда Ч.Беккариа ўзининг "Жиноят ва жазолар баёни" асарида шундай таъкидлайди: "Жиноятчиликнинг олдини олишда жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги кўпроқ аҳамиятга эга". Яъни шахс содир қилмоқчи бўлган жинояти учун шафқатсиз жазо мавжудлигини эмас, балки жиноий қилмиш учун, албатта, жазосиз қолмаслигини англаши лозим. Шундагина жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги кураш самара бериши мумкин.

* ТДЮИ катта ўқитувчиси, ю.ф.н..

Жаҳондаги кўп давлатлар ўлим жазосини қўллашнинг чекланган тизимини ишлаб чиққан бўлса-да, мазкур жазо биринчи бўлиб 1846 йил АҚШнинг Мичиган штатида бекор қилинди. Шундан сўнг кейинги 20 йил ичида Венесуэла (1863), Португалия (1867) давлатлари ҳам жазонинг бу тури амалиётига расмий равишда чек қўйдилар. XX аср бошларига келиб, бошқа бир қатор давлатларда ҳам ўлим жазоси бекор қилинди. Бразилия, Монако, Исландия, Панама давлатларида эса ўлим жазоси расмий бекор қилинмаган бўлса-да, бу жазо мазкур давлатлар судлов амалиётида бутунлай қўлланилмайди.

1990 йилга келиб тарихда биринчи марта жаҳон давлатлари ўлим жазоси аҳамиятига кўра тенг иккига бўлинди. 2000 йилга келиб эса, 72 давлатда ўлим жазоси расмий равишда тугатилган ва 13 давлатда мазкур жазо фавқулодда жиноятлар учун тайинланиши белгилаб қўйилди. Халқаро Амнистия Ташкилоти 23 давлатни ўлим жазосини "*De Facto*" бекор қилган давлатлар сифатида тан олди, чунки бу давлатлар қонунчилигида ўлим жазоси расмий мавжуд бўлса-да, сўнгги 10 йил мобайнида амалиётда умуман қўлланилмай келинаётган эди.

Бугунги кунда дунёнинг 87 давлати қонунчилигида мазкур жазо амалда бўлиб, ўта оғир ва шафқатсизлик билан содир қилинган жиноятлар учун қўлланилмоқда. Лекин баъзи давлатлар тажрибасида ўлим жазоси ўта оғир бўлмаган жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилаётганини кузатиш мумкин. Масалан, Ливия жиноят қонунида алкоголь импорти ва хорижий валютада савдо қилиш учун ҳам ўлим жазоси назарда тутилган.

Халқаро Амнистия Ташкилоти маълумотларига кўра, 1999 йилда дунёнинг 31 давлатида 1813 марта ўлим жазоси ижро этилган. Унинг 85 фоизи беш давлат, яъни Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Конго Демократик Республикаси, АҚШга тўғри келиши таъкидланган.

Юқоридаги маълумотлар шундан дарак берадики, жазонинг бу тури амалиётини қисқартириш ва уни бекор қилиш борасида жаҳон ҳамжамияти ҳамда давлатларнинг ички сиёсати доирасида кўзга кўринарли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилган ислохотлар инсонпарварлик нуқтаи-назаридан жиноий жазоларни либераллаштиришга кенг йўл очиб берди. Биргина ўлим жазосини бекор қилиш борасидаги ислохотларни шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Дастлабки босқичда, яъни Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябрь) қабул қилинган даврда 13 моддада ўлим жазоси белгиланган эди. Унгача амалда бўлган собиқ иттифок даври Жиноят кодексида 30 моддада ўлим жазоси назарда тутилган эди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи 1998 йилга тўғри келади. Бу даврга келиб Жиноят кодексининг яна 5 моддасидан ўлим жазоси чиқариб ташланди ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди.

2001 йил 29 августда маъмурий ва жиноий жазолар тизимини либераллаштириш юзасидан қабул қилинган қонунга мувофиқ Жиноят

кодексининг фақат тўрт моддасида, яъни қасддан одам ўлдириш, агрессия, геноцид, терроризм жиноятлари учунгина мазкур жазо қўлланиши белгиланди.

2003 йил 14 декабрда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, Жиноят кодексининг фақат икки моддасида, яъни қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун ўлим жазоси қўлланилиши қайд этилганди.

2008 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилинди ҳамда унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Бундан шу нарсанга аниқлашдики, юртимизда босқичма-босқич ўлим жазоси Ўзбекистон Республикасининг жиноий жазолар тизимидан бутунлай олиб ташланди.